

1	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
	Тўлиқ		“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси					
	Қискартирилган		“Ўзбектелеком” АК					
	Биржа тикерининг номи		UTLK					
2	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери		100000: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 97 А					
	Почта манзили		100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А					
	Электрон почта манзили		info@uztelecom.uz					
	Расмий веб-сайти		www.uztelecom.uz					
3	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами		06					
	Муҳим фактнинг номи		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йиғилиш тури		Йиллик					
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси		29.06.2026й.					
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана		09.07.2026й.					
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой		100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А					
	Умумий йиғилиш кворуми		97,63					
	Т/ Р	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
			Ўқлаш		Қарши		Бетараф	
			%	Сони	%	Сони	%	Сони
	1	“Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.	100	799 016 513	0	0	0	0
	2	“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.	68.16	544 636 616	0	0	31.84	254 379 897
	3	“Ўзбектелеком” АКнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.	100	799 016 513	0	0	0	0
4	“Ўзбектелеком” АКнинг 2025 йил натижалари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.	99.9999	799 016 379	0.0001	134	0	0	
5	“Ўзбектелеком” АКнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот.	99.98	798 827 296	0	0	0.02	189 217	
6	“Ўзбектелеком” АКнинг Корпоратив бошқарув тизимини ҳолис баҳоловчи ташкилот томонидан	99.98	798 827 162	0	134	0.02	189 217	

	ўтказилган баҳолаш натижалари тўғрисида.						
7	“Ўзбектелеком” АКнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирадиган хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлаш.	34.02	271 825 124	0	0	65.98	527 191 389
8	“Ўзбектелеком” АКга аффилланган шахслар билан келгусида Компания томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.	68.16	544 636 616	0	0	31.84	254 379 897
9	“Ўзбектелеком” АКнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.	99.98	798 827 296	0	0	0.02	189 217
10	“Ўзбектелеком” АК Ижроия органининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.	100	799 016 513	0	0	0	0

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни

1	1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: Компания акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришни 2026 йил 29 июн соат 13:00 га қадар, яъни йиғилиш бошланганидан кейин икки соат ичида якунлансин. 2. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши учун Санок комиссияси таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин: Оллаберганов Сардор Қадамбоевич - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори; Махамадов Адхамжон Махмуджонович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори ўринбосари; Мамайханов Хусан Равшанович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти бош мутахассиси.
2	“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
3	1. “Ўзбектелеком” АК Ижро органининг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи ҳамда Компаниянинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Компаниянинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича “Ernst & Young” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2026 йил 26 майдаги хулоса тасдиқлансин. 3. “Ўзбектелеком” АКнинг тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичлари ва Компанияга юклатилган вазифалар ўз вақтида, сифатли бажарилаётганлигида Компания бошқарув раисининг ўрни муҳим эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

	4. Компания бошқарув аъзолари йиллик энг муҳим самарадорлик асосий кўрсаткичларини (KPI) бажарилганлиги муносабати билан тегишли қарорлар билан белгиланган ойлик иш ҳақининг энг юқори миқдорининг икки баробарига тенг миқдорида қўшимча мукофотлансин.
4	1. “Ўзбектелеком” АКнинг 2025 йилда (МҲҲСга кўра) олган 609 772 684 000 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: резерв фондига – 10 % ёки 60 977 268 400 сўм; модернизация ва янги технологиялар фондига – 10 % ёки 60 977 268 400 сўм; имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловига – 1,4 % ёки 8 537 712 633 сўм (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 288,5 сўм); оддий акциялар учун дивиденд тўловига – 50 % ёки 304 886 342 000 сўм (ҳар бир дона оддий акция учун 372,57 сўм), шундан: стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш мақсадида Компания тасарруфида қолдириш учун – 28,6 % ёки 174 394 092 567 сўм. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларига асосан Компания томонидан кейинчалик ушлаб қолиш шарти билан аввал ажратилган беғараз хайрия ва ҳомийлик маблағлари 2026 йил якуни бўйича давлат улуши учун ҳисобланадиган дивиденд ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин. 3. “Ўзбектелеком” АКнинг стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш учун қолдирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-357-сон қарорига асосан давлат улуши учун (Иктисодиёт ва молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги улушларига) ҳисобланган 202 836 685 752,42 сўм дивиденд маблағлар кейинчалик капитализация қилиниши, яъни қўшимча акциялар чиқарилиши орқали Компания Устав фондиди оширилишига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин. 4. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов): - режалаштирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Компания ихтиёрида қолдирилаётган маблағларни мақсадли ишлатилишини таъминласин; - дивидендлар 2026 йилнинг 30 июнидан 2026 йилнинг 27 августига қадар тўланишини таъминласин.
5	“Ўзбектелеком” АКнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
6	1. “F-plus Audit” МЧЖ томонидан “Ўзбектелеком” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва баҳолаш натижалари 6.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши ва Ижроия органи “F-plus Audit” МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш юзасидан берилган тавсияларга Компанияда амал қилинишини назоратга олсин.
7	Мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинмади
8	1. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов)га барча аффилиланган шахслар билан битимларни то келгуси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар тузишга рухсат берилсин. 2. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов): - “Ўзбектелеком” АК соф активларининг ўн беш фоизидан эллик фоизигача бўлган қисмини ташкил этувчи битимлар (битим) Компания Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин; - “Ўзбектелеком” АК соф активларининг эллик фоиздан юқорисини ташкил этувчи битимлар (битим) Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин.
9	“Ўзбектелеком” АК “Ўзбектелеком” АК Одоб-ахлоқ ва этика кодекси, “Ўзбектелеком” АК дивиденд сиёсати тўғрисидаги ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ижроия органи тўғрисидаги низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.
10	“Ўзбектелеком” АК бошқарувининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2025 йилда амалга оширилган

	ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.					
Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар						
Т/ Р	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
1						
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:						
Кандидатлар тўғрисида маълумот						
Т/ Р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Овозлар сони
				Тури	Сони	
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни						